

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти*

*давлат музейи маънавият*

*бўлими мудири: Ш.Ахмаджанова*

Туризм сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, у айлана бўйлаб харакат қилиш-деган маъноди билдиради. Кенг маънода инсонларни харакатда бўлишлари тушунилади. Шунингдек, туризм “тур” (белги) ўрнатиш, яни тоғ, адирлар, узоқ масофаларга саёҳат қилиш, сунгги манзилга белги қўйиш ёки чўкқига чикқанлигини билдириш учун бирон бир белги қолдиришни билдиради.

Туризм жисмоний тарбиянинг ажralmas қисми сифатида соғломлаштириш ва комплекс тарбияни амалга ошириш вазифаларини бажаради. Туризм ақлий тарбия тараққиётiga бевосита таъсир кўрсатиб, ёшларни география, биология, тарих, геология ва бошқа бошқа фанлар бўйича олган билим ва малакаларини оширади. Саёҳатлар жараёнида ахлоқий сифатлар, соф виждонлик, уюшқоқлик, жасурлик, бурчни хис қилиш, ўзаро ёрдам ва ўртоқлик хис туйгулари синовдан ўтади ва чиниқади. Ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш меҳнат жараёнларида характер, ишонч тушунчалари умумий маънода шаклланса туристик саёҳатлар жараёнида улар амалда синалади. Туристик фаолиятлар жараёнида меҳнат малакаси хам шаклланади.

Хақиқатдан хам хозирги ёшларни хар томонлама камол топтиришда ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, ота-оналар ва бутун жамоатчилик олиб борадиган тарбиянинг барча турлари ва воситалари, шунингдек, туризм ва барча спорт турларининг роли каттадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, саёҳатни ривожлантириш борасида купгина ишлар амалга оширилиб, жумладан, тарихий маданий обидаларни кайтадан таъмирлаш, табиат ва экологияни

асраб-авайлаш каби чора-тадбирлар, сайру- саёхатни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун дастурлар ишлаб чикилмоқда.

Сайр-саёхат ёшларда Ватанга бўлган мухаббатни, меҳнат севарликни, табиатга онгли муносабатда бўлишни ва ўзаро ҳамкорликда тарбиялаш мухим омиллардан бири хисобланади. Ёшларни табиатимизнинг энг гўзал жойларига-тоғ, қир-адирларга, тарихий ва маданий обидалар ва музейларга зиёратга етакласак, улар қалбида Ватанимизга ва миллий қадриятларимизга бўлган тарбияни шакллантирган бўламиз.

### **АДАБИЙОТЛАР**

- 1.Мозийдан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.San'at журнал.2/2013 йил сони.
- 3.San'at Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
4. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
- 5.Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгоҳлари.Наманган шахри 2015 й. Л. Ахмадалиева